

Хуршида  
Раҳмонова

ХУРШИД  
ДЎСТМУҲАММАД  
насри бадиияти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК  
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУРШИДА РАҲМОНОВА

**ХУРШИД  
ДЎСТМУҲАММАД  
НАСРИ БАДИИЯТИ**

(Адиб қисса ва хикоялари мисолида)

*Монография*

«Roytaxt exclusive» нашриёти  
Тошкент – 2021

УДК 821.512.133.09-3

P 28

КБК 83.3(5Ў)

P28

*Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий-техникавий кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган (2021 йил 29 ноябр, 8-сонли мажлис баённомаси)*

**Масъул муҳаррир:**

**Баҳодир КАРИМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Такризчилар:**

**Умида РАСУЛОВА** – филология фанлари доктори, доцент

**Олим УСМОНОВ** – филология фанлари номзоди, доцент

**Хуршида Раҳмонова**

Хуршид Дўстмуҳаммад насри бадиияти. /Адиб қисса ва хикоялари мисолида. – Тошкент: «Poytaxt exclusive» нашриёт. 2021 йил. 164 б.

Ушбу монографияда замонавий ўзбек адабиёти намояндаларидан бири Хуршид Дўстмуҳаммаднинг хикоя ва қиссаларида образ ва психологик тасвир, рамз ва тимсолларнинг поэтик ифодаси хусусида сўз юритилган. Шунингдек, тадқиқотда адиб ижодининг бадиий хусусиятлари, унинг ўзига хос услубий янгиланишлари, ёзувчининг хикоя ва қиссаларидаги тарихий шахс образи ҳамда глобаллашаётган даврда замондош инсон қиёфаси гавдалантирилиши, муаллиф асарларида психологик тасвир воситаларининг акс этиши, ижодкорнинг халқ оғзаки ижодидаги образлар ва фольклор мотивларидан ижодий таъсирлангани ҳамда ёзувчи услубининг ўзбек адабиётидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатишга ҳаракат қилинган.

Монография филолог талабалар, магистрантлар, тадқиқотчилар ва умуман, адабиёт ихлосмандларига мўлжалланган.

© Х. Раҳмонова, 2021

© «Poytaxt exclusive» neşirýaty, 2021

ISBN 978-9943-7815-3-5

---

## КИРИШ

Бадиий адабиёт замирида, туб моҳиятида инсон, уни билиш, англаш, тушуниш масаласи ётади. Адабиёт ҳамиша инсоннинг маънавий-маърифий, ижтимоий тараққиётига, юксалишига хизмат қилган. Негаки, одамзотнинг онгу шууридаги, фикридаги ўзгаришлар, янгиликлар қалбидаги муросасиз кечинмалар бадиий асарларда ўз аксини топади. Бу ҳол, айниқса, ҳозирги замон адабиётида яққол кўзга ташланмоқда.

Ҳозирги замон адабиёти мавзу нуқтаи назаридан ҳам, ундаги образлар табиати, тасвир тамойиллари, рамз ва тимсолларнинг ифодаси, муаллифнинг бадиий гоёси жиҳатдан ҳам ранг-баранг бўлган адабий-эстетик ҳодисадир. Бу давр адабиётининг ўзига хосликлари шундаки, бадиий матн замиридаги маъно зоҳирда эмас, ботинда намоён бўлаётир. Бу эса, китобхондан маълум бир зукколикни, адабий тайёргарликни, мулоҳазакорликни талаб қилмоқда.

Инсониятнинг тафаккури, руҳиятидаги янгиланишлар адабиётда ўз аксини топар экан, ёзувчи бадиий маҳоратини, унинг ҳаёт воқелигини тасвирлаш услубини, бадиий асарда образлар моҳиятининг ёритилишини ўрганиш инсоннинг маънавий олами, дунёқараши, тафаккур тарзига хос хусусиятларни англашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис адабиётшунослик фани ҳам мунтазам ўз объектига янгича назар билан қараш, насрий асарлар поэтикасига оид муаммоларни чуқурроқ англаш йўлидан боради.

Истиклол йилларида адабиётшунослигимизнинг илмий-назарий мезонлари асосида замонавий адабий жараёнда ўз мавқеига эга ижодкорлар асарларини теран тадқиқ этиш, бадиий асар поэтикаси муаммолари билан боғлиқ қараш-

ларни муқояса этиш, шунингдек, замонавий ўзбек насри бадииятининг ўзига хос томонларини ўрганиш ўринлидир.

Ҳозирги адабий жараёнда самарали ижод қилаётган истеъдодли адиблардан бири Хуршид Дўстмуҳаммаддир. Серқирра адиб Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам мумтоз Шарқ адабиёти, ҳам Ғарб адабиёти билимдони сифатида унинг ижодида адабий муштараклик, янгилашиш омилларини кузатиш мумкин. Адиб ҳикоя, қиссаларидаги янгилашиш, уларга таъсир этган омилларни адабий жараён контекстида кузатиш мақсадга мувофиқ саналади. Зеро, “Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди!”<sup>1</sup> Адабиётни тарғиб этиш, ёшларимизни китобга муҳаббат руҳида тарбиялаш жамиятимиз олдида турган энг муҳим вазифа саналади.

Монографияни ёзишда Хуршид Дўстмуҳаммад ижодининг бетакрор бадиий хусусиятларини аниқлаш, хусусан, адибнинг ҳикоя ва қиссаларидаги тарихий шахс образи ҳамда замондош инсон қиёфасининг ифодаси, рамзлар замирига сингдирилган маъно қатламлари, қаҳрамон руҳиятининг мураккаб олами тасвири ҳамда ёзувчи услубининг ўзбек адабиёти ривожига муносиб ўрни ва аҳамиятини очиқ беришни мақсад қилдик. Адиб асарларидаги миллий ва умумбашарий қадриятларнинг уйғунликда ифодаланиши, халқ оғзаки ижодидаги мифологик образлар ва фольклор мотивларидан, жаҳон адиблари асарларидан ижодий таъсирланиши, адабий муштараклик, инсон, табиат ва жамият муносабатларида янгича мавзу ва ғояларнинг аҳамияти ёритиб берилди.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди. [www.xabar.uz](http://www.xabar.uz).07.08.2018.

## 1 БОБ

### Насрий асар бадиятининг илмий-назарий асослари

#### 1.1. Адабиётшуносликда насрий асарлар бадиятини ўрганиш масаласи

Дунё адабиётшунослиги тараққиёти жараёнида бадият атамаси адабиёт сўзи билан биргаликда ёнма-ён қўлланилиб келмоқда. Бадиийлик санъатнинг барча турларида, уларнинг ўзига хос восита ҳамда имкониятлари асосида воқеликни қайта ижодий акс эттирувчи асосий мезондир. Бусиз санъат ҳам, адабиёт ҳам бўлиши мумкин эмас. Бадиийлик сўзининг моҳияти, у англатган маънолар адабий-назарий манбаларда қуйидагича изоҳланган. “Бадиий” атамаси араб тилидаги “бадъун”, “бадеъа” сўзидан олинган бўлиб, нимагадир янгилик киритиш, яратиш, ижод қилиш, ўйлаб топиш, кашф этиш каби маъноларни англатади”<sup>2</sup>. Навоий асарлари луғатида “бадиъ” сўзининг янги ижод, гўзал, нафис, нодир, ажойиб каби маънолари берилган<sup>3</sup>. Адабиётшуносликка доир энциклопедияда эса “Бадиийлик – бу ижод маҳсулини санъат асари сифатида кўрсатувчи хусусиятлар йиғиндиси... Ғоянинг ижодкор маънавий оламидан ва унинг хотирасидан образли воқеликка айланиши бу соф бадиийликнинг бошланишидир”<sup>4</sup>, – деб изоҳланган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу терминнинг “воқеликни нафис санъат воси-

<sup>2</sup> Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – М.: Русский язык, 1985. – С. 70

<sup>3</sup> Навоий асарлари луғати. Порсо Шамсиев раҳбарлигида. – Т.: Ғафур Гулом, 1972. – Б. 80.

<sup>4</sup> Литературная энциклопедия терминов и понятий. А.Н. Николюкин. – М.: Интелвак, 2001. – С. 1177-1178.

талари, образлар орқали ифода этувчи, тасвирловчи”<sup>5</sup> деган маънолари берилган. Юқоридагилардан хулоса қилиб, бадиийлик воқеликни бетакрор образлар асосида ифодалаш, акс эттириш деб олсак, биз илгари сурмоқчи бўлган фикримизга мос келади.

Насрий асарлар бадиияти қадим даврлардан то ҳозирга қадар турли усулларда таҳлил, талқин қилиниб келинмоқда. Файласуф олим Арастунинг “Поэтика” (“Нафис санъатлар ҳақида”) номли асарида бадиий асарлар, уларни ифодалаш воситалари, тасвирлаш усуллари ҳақидаги назарий маълумотлар берилган. Ушбу асардаги поэзия атамаси ҳозирги замон тушунчасидаги шеърят эмас, балки умумий санъат, нафосат, бадиият қонун-қоидалари баён қилинган адабиёт тушунчаси маъносига тўғри келади. Арасту шундай ёзади: “Шоир (ижодкор) ҳаётда қандай бўлса, шундай тасвирламабди, деган таънага эътироз билдириб, шуни айтиш мумкинки, шоир ҳаётда қандай бўлиши кераклигини ҳам тасвирлайди: Софоклнинг айтишича, у одамларни қандай бўлиши керак бўлса, шундай тасвирлаган, Эврипидда эса қандай бўлса, ўшандай тасвирланган”<sup>6</sup>. Демак, ҳар бир ижодкор воқеликни ўзининг дунёқарашидан, эстетик идеалидан келиб чиққан ҳолда тасвирлайди.

Немис файласуфи Фридрих Гегелнинг санъат ва бадиий ижод ҳақидаги фикрлари поэтика, шунингдек, бадиият илмининг ривожига алоҳида ўрин тутди. Гегель ўзининг “Эстетика” номли китобида эпос, лирика, драматургияга баҳо беради. У символик шакл, рамзий белгилар Шарқ образларига мансуб, деб тушунтиради. Гегелнинг фикрича, “Санъаткор яратган образлар кўпинча бизни нохуш-

---

<sup>5</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. З.М.Маъруфов таҳрири остида. I Том. – М.: Рус тили, 1981. – Б. 71

<sup>6</sup> Арасту. Ахлоқи кабир. Поэтика. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018. – Б. 65.

ликлардан фориг этади, жиддий мақсадлар рўёбга чиқишига, уларнинг амалга ошишига кўмаклашади”<sup>7</sup>. Гегель яна бадиий ижод, унинг маҳсули бўлган бадиий асарлар ҳақида қуйидагича ёзади: “Халқлар бадиий асарларида ўзларининг сермазмун ботиний мушоҳада ва тасаввурларини мерос қилиб қолдирганлар, шунинг учун кўпинча санъат уларнинг донишмандлиги ва тақводорлигини тушунишда калит, баъзи халқларда чинакам ягона калит бўлиб хизмат қилади”<sup>8</sup>. Дарҳақиқат, бадиий асарлар хоҳ у оғзаки ижод намунаси, хоҳ ёзма адабиёт намунаси бўлсин, муайян бир халқнинг турмуш тарзидан, урф-одатларидан, қадриятларидан, тафаккур даражасидан хабар беради. Ҳар қандай бадиий асар ўз даври, халқи, муҳитига дахлдор, ўзига хос алоҳида тарихий ва бадиий-эстетик тасаввурлар, мақсадлар билан боғланган бўлади. Бадиий адабиётнинг предмети инсон ҳисобланар экан, у аввало, ўзи яшаган жамият, табиат, борлиқ билан узвий алоқада ўрганилади. Ҳар бир давр адабиётида ўша замон жамиятининг онг даражаси акс этади. Шу билан бирга, бадиий адабиёт ўзи акс эттирган ғоялар билан кишилар қалбига, руҳига кучли таъсир ўтказиб, уларда янги-янги қарашлар, фикрлар туғилишига, инсоннинг маънавий дунёси бойишига хизмат қилади. Шу маънода, тадқиқотимизнинг объекти бўлган Хуршид Дўстмуҳаммад асарларидаги образлар ҳам ўзида давр руҳини, пафосини, замондош инсон қиёфасини тасвирлаб бериш билан бир қаторда кишилар маънавий-руҳий оламига таъсир кўрсатиб, тафаккурини бойишига хизмат қилмоқда.

Бадиий асар асосини ташкил қиладиган образ тушунчаси қадимги даврдан то ҳозирга қадар бадииятнинг муҳим

---

<sup>7</sup> Гегель Г.В.. Эстетика. Санъат ва бадиий ижод фалсафаси. – Тошкент, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2012. – Б.12.

<sup>8</sup> Гегель Г.В. Эстетика. Санъат ва бадиий ижод фалсафаси. – Тошкент, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2012. – Б.17.

белгиси бўлиб келган. Зеро, бадиий образ барча санъат асарларининг ўзига хос хусусиятини белгиловчи воситадир. Бадиий образ борлиқни, ундаги воқелиқни ижодкор кўзи билан кўриб, қалби билан ҳис қилиб, онги ва тафаккурида қайта ишланган аксидир. В.Гегель айтганидек, санъат ва адабиёт образлар орқали фикрлаш демақдир<sup>9</sup>. В.Гегель санъатнинг, жумладан, образнинг ўзига хослиги ҳақида тўхталар экан, шундай ёзади: "...у, биринчидан, қандайдир мазмун, чунончи, муайян ҳис-туйғу, вазият, воқеа, хатти-ҳаракат, индивидни; иккинчидан, шу мазмунни тасвирловчи усулни назарда тутди"<sup>10</sup>. Бундан келиб чиқа-дики, ўзига хослик, хусусийлик белгилари образ ташийдиган мазмунда ва уни (ўзига хос) ифодалаш усулларида намоён бўлади.

Адабий-назарий қарашлар тарихида рус адабиётшунос олимлари: В.Белинский, А.Веселовский, А.Потебня, Н.Чернишевский, Н.Добролюбов, М.Бахтин сингарилар алоҳида бир босқични ташкил этдилар. Улар санъатнинг халқчиллик, миллий ўзига хослик, оригиналлик, гоаявий-бадиий бир бутунлик, образлилик каби хусусиятларни атрофлича очиб бердилар.

В.Белинскийнинг назарий асарларида бадиий образ – бадиий эстетиканинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган. Белинский адабий фаолияти давомида бадиий образни тушуниш ва тушунтиришда ўзига хос йўлдан боради. "Санъатдаги энг олий предмет инсон ҳисобланаркан, демак, "образ" атамаси инсонга (бадиий асардаги инсонга) нисбатан қўлланиши маъқулдир. Образ бадиий тўқима ёрдамида яратилган, эстетик қиймат касб этган инсон ҳаётининг умумлашма ва айни чоғда, аниқ манзарасидир"<sup>11</sup>, – деб ёзади

<sup>9</sup> Гегель Г.В. Эстетика. Санъат ва бадиий ижод фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти 2012. – Б.54.

<sup>10</sup> Гегель Г.В. Эстетика. Санъат ва бадиий ижод фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти 2012. – Б.29.

<sup>11</sup> Тимофеев. Л. Основы теория литература. – М.: 1971. – С. 62-63.

олим. Ҳозирги замон адабиётшунослигида эса образ деганда нафақат инсон, балки бошқа жонли ва жонсиз предметлар ҳам назарда тутилади. “Бадиий образ борлиқнинг (ундаги нарса, ҳодиса ва ҳ.к) бадиий асардаги акси”<sup>12</sup> – деб ёзади адабиётшунос Д.Қуронов.

Белинский маълум бир халқ образини яратишда ўша халқнинг фикрлаш тарзи, дини, тили билан биргаликда урф-одатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб: “... ҳар бир халқ ўзига хос тарзда яшасагина жами халқлар хазинасига ўз улушини қўша олади. Ҳар бир халқнинг ўзига хослиги нимадан иборат? У фақат ўзига хос фикрлаш тарзи ва нарсаларга муносабатида, динида, тилида, айниқса, урф-одатларида намоён бўлади... Урф-одатлар халқнинг қиёфасидир, уларсиз халқ – қиёфасиз образдир, беҳуда ва амалга ошмайдиган хаёлдир”<sup>13</sup>, – деб ёзади. Мавзумизнинг объекти саналган Хуршид Дўстмуҳаммад яратган образлар орасида ҳам урф-одатларни, анъана-ю қадриятларни эъзозлайдиган, уларни муқаддас деб билган ва шу асосда яшаётган образларни учратиш мумкин. Булар “Беозор кушнинг фарёди” ҳикоясида Қадриянинг онаси, “Шабада” ҳикоясида Мирсайид тоға, “Васий” ҳикоясида йигит, “Саф” ҳикоясида Райим чол образларидир. Бу типдаги инсонлар учун одамгарчилик ҳар нарсадан устун ҳисобланади. Адиб урф-одатлар, қадриятлар асосида яшайдиган инсонлар билан биргаликда рамзий маъно ташувчи образларни ҳам яратади. Масалан, “Қоялардан баландда” ҳикоясида тасвирланган бургут инсондаги куч-қудрат, чексиз имконият, “Жажман”да тасвирланган бозор – ҳаёт, жажман – нафс, “Қичқирик”даги анҳор – синов, имтиҳон, “Саф”даги узун саф, қатор – инсоннинг умр йўли, “Шабада”да олов – жазо, “Сўроқ”

---

<sup>12</sup> Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Абдулла Қодирий, 2004. – Б. 63.

<sup>13</sup> Белинский.В.Г. Адабий орзулар. - Т.:Ғафур Ғулом, 1977. – Б. 6 – 7.

қиссасидаги завод – дунё хаёли, келгинди махлуқлар – виждон, “Паноҳ”даги она ўрик дарахти – қишлоқ, Ватан, “Куза...”даги сув – назар-эътибор, инсоннинг нигоҳи рамзидир. Адабиётшунос Тамарченконинг сўзларига кўра, “ифоданинг истиорали усули, яъни сўз маъносини бошқа предметга кўчириш, шама, киноя ёки рамзларнинг яратилиши – буларнинг ҳаммаси мумтоз риторикага мувофиқ расмий ва кундалик нутқдан фарқ килувчи нутқни яратувчи усуллардир”<sup>14</sup>.

Образ ҳақида сўз кетар экан, мазкур атаманинг адабий-илмий манбаларда қандай изоҳланганини билиш мақсадга мувофиқдир.

“Образ” атамаси истилоҳ сифатида илмий манбаларда қуйидагича изоҳланган: “Образ – бадиий ижоднинг умумий категорияси; эстетик таъсир этувчи объектларни яратиш орқали санъатга хос ҳаётни қайта ишлаб чиқиш, талқин этиш ва ривожлантириш шакли. Образ кўпинча бадиий яхлитлик элементи ёки қисми сифатида тушунилади”<sup>15</sup>. “Русча-ўзбекча луғат”да эса образ – инъикос (моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг инсон онгида акс этиши натижаси ва идеал шакли); 2) кўриниш, қиёфа, сиймо, шакл, афт. 3) тасаввурдаги кўриниш, тимсол, сиймо”<sup>16</sup>. Рус адабиётшуноси А.Потебнянинг фикрича, образ орқали мураккаб ҳодисаларни осон тушунтириш, уларнинг ўзига хос деталларини очиб бериш мумкин. “Образ ўқувчида руҳий-амалий тажрибаларнинг уйғонишига ёрдам беради. Образда бадиийлик қанча кучли бўлса, ўқувчи ёки тингловчини шунча юқори даражадаги ҳамкорликка ундайди. Бунда унинг рамзийлиги – имко-

---

<sup>14</sup> Тамарченко Н.Д. Теория литературы. Том I. – М.: Академа, 2004. – С.143.

<sup>15</sup> Литературный энциклопедия терминов и понятий. Главный и составитель А.Н. Николюкин. – М., НПК Интелвак, 2001. – С. 669.

<sup>16</sup> Русча-ўзбекча луғат. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.. 2013. – Б. 777.

ниятлари ҳам ҳодисалар хилма-хиллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Унинг эстетик табиати яратилган бадиий шаклларнинг хусусиятларидан келиб чиқади”<sup>17</sup>.

Адабиётшунос Л.И.Тимофеев бадиий образни “тўқима ёрдами билан яратилган ва эстетик қиймат касб этган инсон ҳаётининг умумлашма ва айни чоқда конкрет манзарасидир”<sup>18</sup>, – деб таърифлайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, оламни, бизни ўраб турган борлиқни, ундаги ҳодисаларни ёзувчи ўз онгида қабул қилиб, уни қалбан ҳис этади ва тафаккурида қайта ишлайди, бадиий умумлашмаларни яратади. Бадиий образ воқелиқни, ҳаётий мушоҳадаларни, таассуротларни ижодкор дунёқараши, эстетик идеали орқали қайта ишланиши оқибатида янгидан яратилишидан иборат, деган хулосага келиш мумкин.

Маълумки, адабиётшуносликда қўлланадиган “образ”, “персонаж”, “характер”, “тип” атамалари англатадиган тушунчалар бир-бирига узвий боғлиқ. Лекин уларни бир-биридан ажратиб турадиган баъзи фарқлар мавжуд: “Образ” деганда асарда қатнашувчи барча одамлар ҳаёти тасвири (асар сюжетида ҳар хил “юк” ташувчи шахслар – бош қаҳрамон, асосий образ, эпизодик образ) англашилади. Асарда ирода йўналиши ва индивидуал руҳий хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб турувчи, асар сюжетида “катта юк” ташувчи шахсларгина характер бўлади”<sup>19</sup>.

Фалсафага оид адабиётларда характер инсоннинг руҳий ўзига хослигини ифодаловчи, генетик элементлардан холи бўлмаган ва ижтимоий-маънавий муҳит тасвирини ўзида мужассам этган тушунча, деб қаралади. Характер ижтимоий

---

<sup>17</sup> Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М.: Искусство, 1976. – С.28.

<sup>18</sup> Тимофеев Л.И Основы теория литературы. – М.: Просвещение, 1971. С.61-62.

<sup>19</sup> Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б.51.

хаётда инсоннинг атрофдагиларга, ўзига, нарса ва ходисаларга бўлган муносабатига қараб белгиланади ва баҳоланади. Қисқа қилиб айтганда, “Характер табиатида ижтимоий-психологик омиллар етакчилик қилади”<sup>20</sup>.

Бадиий асарда адабий қаҳрамон характери масаласига доир фикрни Аристотелнинг “Поэтика” асарида ҳам учратамиз. “Инсон майлининг нимададир намоён бўлиши, кимнинг ниманидир афзал деб ҳисоблаши ё ниманидир ёқтир-магани – характердир”<sup>21</sup>. У бадиий характер учун муҳим бўлган тўртта жиҳатни таъкидлайди:

*“Биринчидан, қаҳрамон олийжаноб бўлиши керак;  
Иккинчидан, характерлар ўзига хос бўлиши керак;  
Учинчидан, характерлар ҳаққоний бўлиши керак;  
Тўртинчидан, характерлар изчил бўлиши керак”*<sup>22</sup>.

Рус олими Л.И.Тимофеев образнинг бадиий характерга айланиши учун муҳим бўлган бир неча хусусиятларни айтиб ўтади. Хусусан, қаҳрамон портрети, таърифи, турли тарихий, ижтимоий-сиёсий вазиятлар, қаҳрамон нутқи, фаолияти, хатти-ҳаракатлари, руҳияти, ўй-фикрлари, дардлари биргина характерда мужассам топиши керак<sup>23</sup>. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бадиий характер ёзувчи эстетик идеалининг образли ифодасидир. Шунингдек, унда ёзувчи дунёқараши, ижодий тафаккурининг йўналиши ҳам етакчи мавқе тутади. Бадиий характер ҳаётий характернинг айнан нусхаси эмас, балки, реал инсон характери билан ёзувчи субъектив фикр-ўйларнинг жамланмасидир. Масалага шу жиҳатдан қараганда, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Қазо бўлган намоз” ҳикоя-

<sup>20</sup> Философский словарь.- М., Политиздат. 1986. - Б.250

<sup>21</sup> Арасту. Ахлоқи кабир. Поэтика.– Т.: 2018. – Б.43.

<sup>22</sup> Арасту. Ахлоқи кабир. Поэтика – Т.: 2018. – Б.43.

<sup>23</sup> Тимофеев. Л.И. Теория литературы. – М.: Педагогика. 1979. – С.130-

сидаги Миркомилбой, “Шабда” ҳикоясидаги Комрон, “Нигоҳ” қиссасидаги Бек образлари реал ҳаётда учрайдиган, аммо ёзувчининг фикр-ўйлари, дардлари, кечинмалари билан йўғрилган, бир сўз билан айтганда, эстетик идеалининг образли ифодасидир. Бадиий образ адиб асарларида ҳақиқатни қайта тиклаш ва ўзгартиришнинг ўзига хос ҳиссий шакли сифатида намоён бўлган. Образларда ҳақиқат ифодалангани ва айна пайтда қалбимизда мавжуд бўлган янги бир оламни яратади. “Образ жуда кўп қиррали бўлиб, шу жумладан, ҳақиқий ва маънавий органик ўзаро ўзгаришининг барча лаҳзалари; субъективни объектив билан боғлайдиган тасвир орқали, имкон қадар муҳим, умумий, реал билан идеал, бир-бирига қарама-қарши бўлган барча соҳаларнинг боғлиқлиги, уларнинг кенг қамровли уйғунлиги билан белгиланади”<sup>24</sup>.

Бадиий адабиётдаги образ характерга нисбатан кенг тушунча бўлиб, характер ҳар томонлама мукаммаллашган, турли хусусиятлари аниқ кўриниб турган индивидуал хусусиятлари кашф этилган образдир. Ҳар қандай образ характер бўла олмайди, лекин ҳар қандай характер образ бўла олади. У ёки бу характерни яратганда ёзувчи бетакрор ўзига хосликни ифодаловчи янги шахсни яратади. Характер индивидуал бадиий образлардан фарқли ўлароқ умумлаштирилади. Унда маълум бир давр ва унинг ижтимоий соҳалардаги кўплаб кишиларга хос бўлган белгилар ва урф-одатлар, дунёқарашларнинг умумий хусусиятларини бирлаштиради. Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикоя ва қиссаларида ҳам характер даражасига кўтарилган образлар бор. Улар Миркомилбой, Тўхтабой, Зоҳид Яқин, Абдулла Қодирий, Фёдор Достоевский, Жозеф Гильотон, Мирсайид тоға, Умид, Бозоркул образларидир.

---

<sup>24</sup> Литературный энциклопедический словарь. – М.: Советской энциклопедии, 1987. – С. 252.

Адиб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг адабиётшунос сифатида адабий-назарий қарашлари ўзининг ижодида, бадиий асарлари ва ундаги образларда ҳам ўз аксини топган. У шундай ёзади: “Ҳар қандай бадиий тафаккур ижодкор яратган образда моддийлашади, яъни конкретлашади. Бадиий образ ёзувчи бадиий тафаккурининг шакл-шамойили”<sup>25</sup>. Дарҳақиқат, ижодкор инсон дунёни, ундаги ҳодисаларни идрок этиб, идрок этганларини барини қалби ва онгида синтез қилиб, натижада образ яратаётган чоғида ҳис қилган руҳий жараёнларнинг бари бадиий тафаккурида, у айтмоқчи бўлган фикр ва ғояларда мужассамлашади. Масалан, Хуршид Дўстмуҳаммад ватанпарварлик ғояларини замондошлари онги ва қалбига таъсир қилиши учун Миркомилбой, Тўхтабой, Абдулла Қодирий образлари, инсоннинг чек-чегара билмайдиган нафсининг мудҳиш оқибатларини ифодалашда Жажман образи, Яратганнинг чексиз неъматларини англамоқ, шукур қилиб яшамоқ учун “Васий” ҳикоясидаги руҳий хаста опа, “Қоялардан баландда” ҳикоясидаги бургут образи, инсон умрининг ўткинчилиги, ҳаёт мураккаблигини англамоқ учун “Куза” қиссасидаги Устоз, “Саф” ҳикоясидаги донишманд Райим чол образи, инсоннинг бир-бирига бўлган самимий меҳрини тасвирлашда “Ҳижроним – мингдир менинг” қиссасидаги ошиқ ва маъшук образлари орқали ўзининг фикр-ўйлари, туйғулари, юксак бадиий тафаккур имкониятларини намоён қилган.

Насрий асарлар бадииятининг ажралмас қисмларидан яна бири бу бадиий асарда ифодаланган тасвирдир. Бадиий тасвир ва ифода асосида ҳам образлилик ётади. Шундай экан, бу икки тушунча бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Бадиий асарларда образлар, адабий қаҳрамонлар яратиш ва уларнинг табиати, психологиясини очиш бевосита ёзувчи

---

<sup>25</sup> Дўстмуҳаммад Х. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида бадиий тафаккурнинг янгиланиши. Филол.фан.номз. ...дисс. – Тошкент, 1995.– Б.20.

яратган тасвирларда, айниқса, психологик тасвирларда намоён бўлади.

Психологик тасвир, психологизм бадиий адабиётнинг сифат белгиларидан бирига айланган экан, адабиётшунослик ва адабий танқидда ҳам у маълум даражада тадқиқот объектига айланди.

Адабиётшуносликнинг психологик йўналиш тарихига назар солсак, унинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалмаслигини билишимиз мумкин. Тўғри, Аристотель, Платон, Гегел, Кантларнинг асарларида руҳият, бадиий ижод ҳақида маълум бир фикрлар мавжуд, аммо уларга психологик таҳлил, психологизмга алоҳида бир йўналиши сифатида қаралмаган. Психологик йўналиш XIX асрнинг охири чорагида фольклор ва ёзма адабиётни ўрганишда юзага келган илмий йўналишдир. Бу йўналишнинг асосчиси немис психологи, файласуфи, фольклористи Вильгелм Вунтдир. Ижод жараёнида ижодкорнинг психологик ҳолати ҳақидаги таълимот бу йўналишнинг асосини ташкил этади. “Вунт биринчилар қаторида мифларнинг юзага келиши, поэтик образларнинг яратилиш жараёнини текширди. В.Вунт ижодий жараёнда туш кўриш ва галлюцинацияларга катта ўрин беради”<sup>26</sup>.

Рус адабиётшунослигида В.Вунт йўналишига боғлиқ бўлмаган ҳолда А.А.Потебня бошчилигида психологик йўналиш юзага келди. Бу йўналиш XIX аср охири XX аср бошларида кенг ривожланди. А.Потебнянинг фикрича, атрофни ўраб олган бадиий муҳитни инсон онги тартибга солади, бадиий асар ижодкор руҳий ҳолатининг маҳсули ҳисобланади, шу билан бирга ижод руҳий олами бойитади, чуқурлаштиради.

Психологизм сўзи кенг ва тор маънода қўлланилади. Кенг маънода психологизм деганда инсон ҳаётида, инсон

---

<sup>26</sup> Мазиллов В.И. Методология психологии. – Ярославль, 2007. – С.20.

характери тасвирида ифодаланадиган санъатнинг умумий хусусиятлари тушунилади. Ҳар қандай санъат асарида ижодкор ўқувчига инсоннинг ҳис-туйғулари, тажрибалари ҳақида гапиради. Аммо, инсоннинг ички дунёсига чуқурроқ кириб бориш бу, албатта, бадиий адабиёт билан боғлиқ. Қаҳрамоннинг ички дунёсига кириб бориш, қалбнинг турли хил ҳолатларини, шароитларини таҳлил қилиш, характернинг товланишларига, сояларига эътибор психологик таҳлил деб аталади. “Инсон ҳаётининг социал ва ижтимоий характерини акс эттириб, санъат, хусусан, адабиёт нафақат ижтимоий, балки энг аввало, психологик типларни яратади. Санъатда социал ҳодисалар психологик ҳодисалар орқали англашилади. У ёки бу характерни яратганда ёзувчи бетакрор ўзига хосликни ифодаловчи янги индивидуал шахсни яратади. Илмий психологияда шахснинг ўзига хос чизиклари характер дейилади. Характер – сўзсиз психологик ҳодисадир. Мана шу сўз сабаб бўлиб, психология ва характер бир-бирига яқинлашади ва деярли синонимга айланади”<sup>27</sup>.

Адабиётшунослиқда эса психологизм термини бутун-лай бошқа тор маънони англатади. Унга кўра психологизм санъат ва адабиётнинг барча қисми учун бирдек тегишли эмас, балки унинг алоҳида қисмларигагина алоқадордир. “Шунинг учун ҳам “ёзувчи-психолог” инсоннинг ички дунёсини ёрқин, тирик, тўлиқ акс эттиради, унинг бадиий хусусиятларининг алоҳида қирралари кўрсатилади. Адабиётда реалликнинг бадиий хусусиятларини очишда психологик ва нопсихологик усулдан фойдаланилади ва буларнинг иккиси ҳам эстетик нуқтаи назардан бир хил мақомда туради. Бир сўз билан айтганда, қайси ёзувчи яхши-психологми ёки

---

<sup>27</sup> Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы. – М. Просвещение, 1988. – С. 4-5.

нопсихологми? деган саволни кўйиш ноўриндир”<sup>28</sup>. Лекин, бадий адабиётнинг объекти инсон ҳисобланар экан, бадий асарда инсон руҳияти, қалб кечинмаларини қай даражада очиб бериш ёзувчининг маҳоратига боғлиқ. Психолог бўлиш дегани бу – инсон руҳиятини англаш, унинг ҳатти-ҳаракатларининг сирли томонларини тушуниш, бир сўз билан айтганда, инсонни ўрганишдир. Дунё адабиётида психолог ёзувчилар бор. Толстой, Лермонтов, Достоевскийларнинг истеъдодидаги хусусиятларни, инсон руҳиятини тасвирлаш маҳоратларини ҳисобга олиб психолог деб аташимиз мумкин. Ўзбек адабиётида ҳам бундай ёзувчилар бор. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Асқад Мухтор, Назар Эшонкул, Хуршид Дўстмуҳаммад, Улугбек Ҳамдамларнинг инсон руҳиятини тасвирлаш маҳоратларини ҳисобга олиб психолог-ёзувчи деб аташимиз мумкин. Бундан келиб чиқадики, психолог бўлмаган ёзувчилар ҳам бор. Улар шахснинг ички дунёсини камроқ тасвирлайдилар.

Психологизм тушунчасида инсон ички оламнинг одатий ва ёрқин тасвири, руҳиятнинг мураккаб қирралари, кўнгилнинг нозик товланишлари, тафаккур ва туйғунинг уйғунлашуви, ақл ва ҳиснинг англолмас курашлари, орзулари, хавотирлари кабилар қамраб олинади. “Ёзувчи инсон индивидуаллиги структурасини тушуна олиши бадий асарларда психологик тасвирни юзага келтиради. Аксинча, индивидуалликни адабиётда психологик тасвирларсиз ҳам ифодалаш мумкин. Буларнинг барчаси бадий асарлардаги турлича жиҳатларни ифодалайди. Баъзи ҳолларда ёзувчи-психологнинг усталиги унинг психик ҳодисаларни акс

---

<sup>28</sup> Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы. – М. Просвещение. 1988. – С. 5.

эттириб бера олиш қобилиятида кўринади”<sup>29</sup>. Психологизм ўз ичига инсоннинг ички олами, психологик таҳлил, психологик тасвир, адабий қаҳрамон руҳияти ва ижодкор психологиясини ҳам қамраб олади. Психологик тасвир психологизмнинг таркибий қисми ҳисобланар экан, у бевосита бадиий асарнинг ифода воситаларида, ижодкор маънавий-руҳий олами билан боғлиқликда намоён бўлади. Психологик тасвирда индивидуаллик бевосита муаллиф мулоҳазаси ёки қаҳрамоннинг ўз-ўзини таҳлил қилиш шаклида ёки қаҳрамонлар мимикаси, хатти-ҳаракати орқали амалга оширилади. Индивидуаллик муаллифнинг “Қазо бўлган намоз” ҳикоясида Миркомилбойнинг сўзлари, унинг нутқи, “Васий” ҳикоясида йигитнинг хатти-ҳаракатлари, “Жоди” ҳикоясида Жозефнинг хотиралар оқими, “Ёлғизим – сиз” ҳикоясида Достоевскийнинг фикр-ўйлари, пессимистик кайфияти, “Шабда” ҳикоясида Комроннинг туйғулари ва эътиқодсизлиги орқали, “Нигоҳ”, “Сўроқ” қиссаларида қаҳрамон ўз-ўзини тафтиш қилиши, сўроққа тутиши, “Куза” қиссасида Устоз ва уч дўстнинг “онгости оқими” ва муаллиф мулоҳазаси воситасида ифодалаб берилган.

“Психология – адабиётнинг ўзига хос воситалари ёрдамида бадиий шахснинг ҳис-туйғулари, фикрлари ва тажрибалари (адабий характер)нинг тўлиқ батафсил ва чуқур тасвири”<sup>30</sup>, – дейди адабиётшунос А.В.Есин. Адабиётшунос А. Изуитов эса психологиянинг, психологик тасвирнинг учта асосий концепциясини фарқлайди.

“1. Сўз санъатининг умумий белгиси, унинг органик мулки, бадиий далил.

---

<sup>29</sup> Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы. – М. Просвещение. 1988. – С. 9-10.

<sup>30</sup> Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы. – М.: Просвещение, 1988. – С.18.

2. Бадиий ижод натижаси, муаллиф психологиясини, унинг белгиларини ва кенгроқ ижтимоий психологияни (синф, ижтимоий гуруҳ, давр ва ҳоказо) ифода этиш ва акс эттириш. Бу ўз навбатида ижодкор шахсияти ва у яратган қаҳрамонларнинг тасвири орқали намоён бўлади.

3. Онгли ва эстетик принципни белгилаш, психологиянинг органик бирлиги санъат ва психологиянинг натижаси сифатида бадиий ижоднинг махсус, устувор ва бевосита мақсади ва вазифаси сифатида хизмат қилади. Акс эттириш ва такрорлашнинг асосий ва тўғридан-тўғри объекти инсон психологияси бўлиб, у ўзига хос аҳамиятга эга. Психология уни амалга ошириш усуллари ва шакллари (психолок таҳлил) махсус ва мақсадли ишлаб чиқишдир...”<sup>31</sup>.

Бизнингча, ёзувчи Х.Дўстмуҳаммаднинг қаҳрамон ички дунёсини ёритишдаги маҳоратини белгилашда мазкур таърифлардан учинчиси етакчилик қилади. Айнан шу хусусият, адиб бадиий асарларининг яратилиши, ундаги қаҳрамонлар руҳиятини таҳлил қилишда ёрдам беради.

Психологик таҳлилни характерларни тасвирлашнинг ички (ички монолог, хотира, ассоциациялар ва тасаввур образлари) ва ташқи (муаллиф нутқи, мимика ва психикага доир бошқа ташқи кўриниш ҳолатларининг ҳиссий ўзига хослигини намоён қилиш) шаклларига ажратиш мумкин. Умумий айтганда, ёзувчи ҳисларининг объектив кечиш жараёнига халақит бермасдан, қаҳрамон ички дунёсида кечаётган тебранишларни ифодалайди. Хуршид Дўстмуҳаммад насрида эса қаҳрамон психологиясининг тасвирида ички ва ташқи омиллардан бирдек фойдаланилган. Адиб ижодининг дастлабки босқичидаги ҳикояларида қаҳрамон кўпроқ ташқи кўриниш формалари, яъни кучли ҳаяжон,

---

<sup>31</sup> Изуитов А. Проблемы психологизма в эстетика и литературе // Проблемы психологизма в советской литературе. – Л.: Наука, 1970. – С.39-40.

қахрамон ичидаги хавотирни, кўркувни ифодалашда жамики аъзоларнинг иштироки, яъни “титраш”, “қалтираш” воситаси орқали тасвирлаган. “Йигит дағ-дағ қалтираган кўллари билан нарвонни тутган чоғида жувон мувозанатини тиклади”<sup>32</sup>. (“Васий” ҳикояси) Шу ҳикоядан яна бир мисол: “...пойгакда турган йигит уй ичига отилиб киришдан ўзини баъзўр тийди. Ҳолсизланиб, эшик кесакисига суянади. Унинг оёқ-кўлидан мажол кетган, асабий қалтирар, лекин кўзлари ҳамон сергак, хушёр ҳам меҳрли боқар эди...”<sup>33</sup>. “Телефон бехосдан ва қаттиқ жиринглади, ошхонани йиғиштираётган Махзуна биров туртиб юборгандек чўчиб кетди, артаётган ликопчани кўлидан тушириб юборди”<sup>34</sup> (“Махзуна” ҳикояси), “Ўқиб туриб пешонаси тиришди, “Лох-Нессиси ҳам куриб кетсин-е!” деб юборди туйқус ва шу пайт остидаги стул чайқалиб кетди.... Бошини чайқай-чайқай жойига ўтираётиб “бесуяк бўлмаёй ўла-а!” деб тилини тишлади – кўли қалтираб таржимага унналди”<sup>35</sup> (“Маданиятли киши” ҳикоясидан).

Ёзувчи ижодининг кейинги босқичдаги ҳикоя ва қиссаларида қахрамонларнинг ўз-ўзини тафтиш қилиши, ўзининг қалбига, кўнглига қамалиб олиши, хотираларга берилиши, руҳиятининг ёлғизликка мойиллигини кузатиш мумкин. Ички монолог, хотиралар оқими, сукунат, ўйлаш, мулоҳаза юритиш, психологик портрет, туш, пейзаж, ички нутқнинг диалогизми, рамзлар орқали қахрамон психологияси очиб борилади. “Жим ўтирган одам”, “Шабада” “Қичқириқ”, “Жоди”, “Оқимга қарши оққан гул”, “Беозор

<sup>32</sup> Дўстмуҳаммад Х. Васий // Беозор қушнинг қарғиши. – Т.: Шарқ, 2006. – Б.89

<sup>33</sup> Дўстмуҳаммад Х. Васий // Беозор қушнинг қарғиши. – Т.: Шарқ, 2006. – Б.91.

<sup>34</sup> Дўстмуҳаммад Х. Махзуна // Беозор қушнинг қарғиши. – Т.: Шарқ, 2006. – Б.126.

<sup>35</sup> Дўстмуҳаммад Х. Беозор қушнинг қарғиши. – Т.: Шарқ, 2006. – Б.119.

кушнинг фарёди”, “Қоялардан баландда” каби ҳикояларида, “Нигоҳ”, “Сўроқ”, “Куза”, “Ҳижроним мингдир менинг”, “Мен–сенсиз, сен–менсиз”, “Ёлғиз” каби қиссалари фикри-мизнинг далилидир.

Инсон ички дунёсини тасвирлаш – психологизм – бу образни қуриш, ифодалаш, у ёки бу ҳаётий характери тушуниб етиш ва баҳолаш усулидир. Бинобарин, “Бадий психологизм бу қахрамоларнинг ғоявий-руҳий изланишларини ўзида мужассам этган бадий шакл, инсон характерининг шаклланиши, шахс дунёқарашидаги асосларини адабиёт томонидан ўзлаштирилиш шаклидир. Психологизмнинг маърифий-муаммовий ва бадий қиммати, энг аввало, шунда кўринади”<sup>36</sup>.

Психологик таҳлилнинг юзага келиши учун жамиятда, одамлар онгида маънавий ривожланиш даражасининг етарлича юқори бўлиши талаб этилади. Бунда инсоннинг ўзлиги, кўнгли, туйғулари, бетакрор шахси қадрият сифатида тан олинishi зарур. Инсонни бундай тушуниш, шахснинг ички оламини ҳис қилиш борасида психологизм XIX асрда юксак мақомга эришди. Бу жараён маълум бир даврларда турли ўзгаришларга учраган бўлса-да, бугунги кунгача яшаб келмоқда.

М.М. Бахтиннинг фикрича, “кундалик турмуш одами сифатида эмас, онг ва орзу субъекти сифатида бўй кўрсатган”, “махфийлик ҳолатида” яшаётган ғоявий қахрамоннинг ўз-ўзини англаши Ф.М.Достоевский романларининг бадий доминанти бўлди: “муаллиф ҳиссиёти, хаёлотини айнан унинг (қахрамоннинг) ўзини ўзи англашга ва бу ўз-ўзини англашнинг чорасизлиги, тугалланмаслигига йўнал-

---

<sup>36</sup> Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы. – М., 1988. – С. 176.

тирилган”<sup>37</sup>. Достоевскийнинг психологизми – бу ўз-ўзини тафтиш қилиш, инсон ички дунёсидаги турли тебранишларга, вазият тақозоси билан қалбнинг товланишларига, шахсиятнинг мураккаб қатламларига бўлган астойдил қизиқишнинг бадий ифодасидир. Қахрамоннинг ўзини билиши, ҳис этиши, англаши – “қалб диалектикаси”ни ўзлаштириш адабиёт соҳасидаги энг муҳим кашфиётлардан бўлди. Ф.М.Достоевский ва Л.Н.Толстой, кейинчалик эса У.Фолкнер асарларида психологизмнинг, психологик тасвирнинг анча юксалганлигини кўришимиз мумкин.

Х.Дўстмуҳаммад ҳам ана шу йўналишда, айниқса, Ф.Достоевский ижодини синчиклаб ўқиган, таъсирланган, қахрамонлар психологиясини ифодалаш усулларини ўрганган ва уларни такрорламаган ҳолда ўзининг услубига, ўзининг йўлига эга бўлган адиблардан биридир. “Бу ёруғ дунёнинг, инсон ички оламининг нақадар бепоёнлигини кўриш, ҳис қилиш орзусидаги киши Достоевский асарларини истаган куни қўлига олсин – ундан нимадир топади. Баъзан дунё кўзингизга тор туюлади, одамлардан безиб, яширинишга жой тополмай қоласиз, қалб ва шуурда шайтоний истаклар раҳмоний майллардан устун кела бошлайди – шунда “Бечора кишилар”ни, “Оқ тунлар” ё бўлмаса “Неточка Незванова”ни варақланг, “Хўрланган ва ҳақоратланганлар”ни синчиклаб ўқинг”<sup>38</sup>, – деб ёзади Хуршид Дўстмуҳаммад ўзининг мақолаларидан бирида. Адиб инсоннинг рухий олами, унинг дардларини тушунишни Достоевский асарларидан ўқиб ўрганишини нафақат китобхонларга, балки ёзувчиларга ҳам маслаҳат беради. Носир истеъдодли ёзувчи Ф.Достоевскийнинг оддий инсон ва ижодкор сифатида

---

<sup>37</sup> Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М: Художественная литература, 1972. – С.85.

<sup>38</sup> Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. – Т.: Мумтоз сўз. 2011. – Б. 250.

характерини тасвирлаб берувчи “Ёлғизим – сиз” ҳикоясини ёзади. У ижодкор шахс образини яратишда тарихий ҳақиқат, реал воқеаларга асосланган ҳолда ўзининг эстетик идеалини, образини яратган. Қаҳрамоннинг оддий инсон ва ижодкор сифатидаги гоёларини, жамият ва кишилар ҳаётидаги ўрнини, индивидуал хусусиятларини, муҳаббатини ўзининг муайян қарашларида умумлаштирган.

XX асрнинг кўплаб адиблари ижодида психологизм бадий асарларнинг бирида камроқ, бошқасида нисбатан кўпроқ тарзда ифодаланган.

XXI асрга келиб психологизм бадий асарлар қиёфасида ўзининг янги шаклига эга бўлди. Бадий адабиётда “онг оқими” деб аталувчи ҳодисани тасвирлаш ривожланди. Адабиётда қаҳрамон онги, унинг таассуротлари, хотиралари ва тасаввурига, воқеа-ҳодисаларнинг рамзлар орқали ифодасига эътибор кучайди. Адабиётшунос Ш.Ризаев бу ҳодисаларнинг адиб ижодидаги ўрни ҳақида шундай ёзади: “Хуршид Дўстмуҳаммад янгиликка эҳтиёжманд поэтиканинг кенг миқёсли иқлимида фақат ўз услубига тегишли турли адабий тажрибалар ўтказар экан, реаллик ва ҳаёлотни, мураккаб ҳаётини ва психологик тўқнашувларни асосан ҳиссий шаклда ифодалашга кўпроқ қизиқади, бадий тасаввур, онг ва онг ости жараёнлари билан муттасил ўзаро ҳамкорликда ишлайди, тасаввурда пайдо бўлган ҳолатни макон ва замонда тўхтатиб қўйиб, уни ҳар томондан чуқур ўрганиш ва ифодалаш учун мунтазам интилади, натижада ботиний ва зоҳирий мантиқнинг жозибавий кўламини белгилаш, моддий ва руҳоний дунё чигалликлари ва ўзлигини тушуниш ҳаракати ягона шуурий призмада йиғилади”<sup>39</sup>. Кўринадики, бадий асарда психологик тасвир масаласи бадийликнинг муҳим белгисидир. Ижодкор инсон

---

<sup>39</sup>Ризаев Ш. Яхши “ёмон” одам ёхуд янгиланган реализм // Шарқ юлдузи, 2011. №3. – Б.163.

руҳияти, унинг ботиний оламини бутун мураккаблиги билан янгича усулларда тасвирлар экан, бундай асарлар узоқ йиллар яшовчан бўлади.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, дунё адабиётшунос олимлари бадиий асарни таҳлил қилиш, ундаги образ ва тасвир масалалари хусусида ўз китоблари ва мақолаларида назарий қарашларни ёзиб қолдиришган. Бу тадқиқотларда инсон табиати ва ҳаёти, турмуш тарзи, кишилараро муносабатларнинг мураккаблиги, миллий руҳ, умуминсоний қадриятларнинг улуғланиши тўғрисидаги фикрлар ўз аксини топган. Олимларнинг мулоҳазаларида инсон образи ва унинг ички дунёси, феъл-атвори, рамз ва тимсолларнинг бадиий асарда акс эттириш хусусида теран мушоҳадалар юритилган.

## **1.2. Ўзбек адабиётшунослигида насрий асарлар бадииятига хос тамойиллар талқини**

Ўзбек адабиётшунослигида бадииятга доир назарий қайдлар узоқ тарихга бориб туташади. Бадиий-эстетик тафаккурнинг тараққиёт тамойиллари ҳозирги адабий жараённинг таркибий ва ажралмас бир бўлаги сифатида ўрганилмоқда. Бадиий тафаккур ҳамиша ўзгариб, янгиланиб туради. Негаки, бадиий тафаккур – муайян бир даврдаги миллий адабиёт ҳолатини, муайян манзарасини, янгиликлари, камчиликларини ўз ичига олади. Бу – унинг табиатидаги устувор хусусият. Бирор бадиий асарнинг тасвир нозиклигини, бадиий ўзига хослигини, образлар тизимини тўғри тушунмоқ, тили гўзаллигини ҳис этмоқ учун шу асар яратилган давр бадиий тафаккурига хос хусусиятларни билиш керак. Чунки чинакам бадиий ҳодиса давр руҳини ифодалаш билан бир қаторда ўзи яратилган вақтдан узоқроқ яшайди ва замонга нисбатан турғунроқ бўлади.

Тарихга назар солсак, шарқ адабиётшунослигида бадият илмига оид дастлабки қарашлар Абу Наср Фаробий китобларида учрайди. Буюк қомусий олим Фаробий ва Абу Али ибн Сино Аристотелнинг “Поэтика” асарига шарҳ ёздилар. Шарҳ ҳозирги тақриз тушунчасига бирмунча тўғри келади. А.Н.Фаробий “Шеър санъати” китобида ёзишича, Аристотель поэзиянинг сўз ва тимсол(образ) орқали иш кўришини тўғри тушунган. Чунки у қадимда юнон адабиётининг Гомер, Эсхил, Софокл, Еврипид каби йирик шоир ва драматурглар асарларига суянади. Ўхшашини яратиш, тимсолларини ҳосил қилиш ташбеҳ орқали амалга оширилади. “Фаробийнинг айтишича, образ қилиб айтилган сўз киши руҳини ўзида бўйсундирадиган бир ҳолат касб этади. Баъзи нарсалар хуш кўринади, баъзиси кишини безовта қилади”<sup>40</sup>.

Ўзбек филологияси тарихида поэтика, жумладан, бадият бўйича дастлабки кузатиш “Қутадғу билиг” (Юсуф Хос Хожиб), “Девону луғотит турк” (Маҳмуд Кошғарий) асарларидан бошланган. Шеър назариясини ривожлантиришда Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Мезон ул-авзон”, Бобурнинг “Мухтасар” асарлари муҳим рол ўйнайди.

Адабиёт назарияси шарҳ, рисола, тарихий асар, тазкира, шеърый асар, наср, дебоча баёзлар, таржималар орқали ҳам ривожланди. Муқимий, Фурқат каби ижодкорлар реалистик оқимда ижод қилди, реалистик эстетика яратилишига туртки берди. Бу эса XX аср бошидаги жадиждларнинг миллий озодлик гоёсига асосланган, маърифатпарварлик йўналишидаги ижодига замин бўлди. Юртимизда адабий-назарий қарашларнинг бундай такомил ва тараққиёти адабиёт назариясининг, бадиятнинг бир қадар ривожланишига олиб келди. Бунда Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Вадуд

---

<sup>40</sup> Худойбердиев Э. Адабиётшунослика кириш. – Т.: Шарқ, 2008. – Б.167.

Маҳмуд, Отажон Ҳошим, Абдурахмон Саъдийларнинг хизмати катта.

Навоий ижоди бадииятини ўрганишда В.Зоҳидов, М.Шайхзода, А.Ҳайитметов, Ё.Исоқов, И.Ҳаққул, С.Ғаниеваларнинг тадқиқотлари, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор романлари бадиияти бўйича М.Кўшжонов, У.Норматов, Б.Каримов, У.Жўрақулов ва бошқаларнинг, Чўлпон ижоди поэтикасини тадқиқ қилишда Н.Каримов, О.Шарафиддинов, Д.Курононов, И.Мирзаев, Б.Аҳмедов ва бошқаларнинг илмий изланишлари ҳамда мақолалари, ўзбек шеърини поэтикаси ҳақида Л.Қаюмов, О.Шарафиддинов, Н.Раҳимжонов, С.Мелиев ва бошқа адабиётшуносларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётшунос М.Кўшжонов А.Қодирий ижодини бадиий таҳлил қилар экан шундай ёзади: “Етук ижод қимматини белгилаш учун одатда бадииятнинг ҳар хил талаблари нуқтаи назаридан таҳлилдан ўтказиб кўрамиз. Маънонинг ҳаққонийлиги, характерларнинг ёрқинлиги, пафоснинг юқорилиги, зиддиятларнинг кескин ва мантикийлиги, композициянинг пишиқлиги, сюжетнинг ўзига хослиги, тилнинг жозибалилиги ва ҳоказолар. А.Қодирий романлари шу йўсинда тадқиқ қилинса, улар талабга тўла бардош бериши аниқ. Бу хилдаги таҳлиллар қилинган ҳам. Бироқ, адиб романларининг фазилати, нафосати — миллийлик, миллий руҳнинг акс этишидадир”<sup>41</sup>. Адиб Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам ўз асарларида образ яратар экан, уларнинг маънавий савиясига, миллий ва умумбашарий руҳнинг ифодаланишига алоҳида эътибор қаратади. Унинг кўпгина асарларида ўзбек халқига хос фазилату камчиликлар бор-бўйича акс этган. Ўзбек адабиётимиз ва жаҳон адабиёти сирларидан воқиф бўлган Хуршид Дўстмуҳаммад замондош образини, яратишда ҳам, тарихий шахс образини яратишда

---

<sup>41</sup> Кўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. — Т.: Абдулла Қодирий, 1994. — Б.114.

ҳам умумбашарий ва миллий қадриятлар талабидан келиб чиқади. “Ўзгараётган воқелиқдан бадиий умумлашма яшашда ҳикоянинг имконияти катта. Лекин бадиийлик шарти шундаки, ҳикоя нечоғли бугунбоп жанр эканлигидан қатъи назар унда бугуннинг қадриятлари, бугуннинг муҳим гапи абадий ва ўзгармас қадриятлар қиёфасида ифода топмоғи керак. Ҳикоя долзарб (ўткинчи десак ҳам янглишмаймиз) ва мангу қадриятлар орасида дунёга келади. Ҳикоянинг бугунги кун кўриниши нисбатан осон, бироқ унинг мағзига сингдирилган мангу қадриятларнинг ифодаси асарнинг умумбашарий ва умрбоқийлигини таъминлайди. Долзарб қадриятлар соясида қолдирилиб абадий қадриятлар камситилган жойда бадиий тафаккур сохталашади, ривождан қолади”<sup>42</sup>, – деб ёзади Хуршид Дўстмуҳаммад. Адиб ёзган фикрлар татбиғини унинг ҳикояларидаги образлар мисолида кўришимиз мумкин. “Қазо бўлган намоз” ҳикоясида Миркомилбой характерида ҳам миллий, ҳам умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ватанпарвар шахс образини, “Тўхтабойнинг бойликлари” ҳикоясида имон-этиқодга собит инсон қиёфасини, “Маҳзуна”да шарқона ибо-ҳаё фазилатларига эга аёл тимсолини, “Васий”даги йигит характерида соф миллий руҳ билан йўғрилган ғамхўр ука образини учратамиз. Йигитдаги мардлик, опасига масъуллик, туғишган биродарини ҳар қандай инжиқликларига сабр қилиш ҳисси фақат ўзбек фарзандларига хос эканлигини кўрсатиб берган. Умуминсонийлик ва миллийлик маълум муҳитда танланган образлар қиёфасида, уларнинг ички олами тасвирида кўзга ташланади.

Маълумки, санъат ва адабиётда ҳаёт образлар воситасида акс эттирилар экан, бадиий адабиёт образли фикрлаш натижасида дунёга келади. Адабиётшунос Б.Саримсоқов

---

<sup>42</sup>Дўстмуҳаммад Х. Ҳозирги ўзбек ҳикояларида бадиий тафаккурнинг янгилиниши. Фил.фан.номз. ...дисс. Т.: 1995.– Б.15.

образга шундай таъриф беради: “Санъатда воқелик ижодкорнинг эстетик қарашлари, принциплари ва идеали орқали ижодий идрокдан ўтганлиги, бинобарин, ўзгартирилганлиги сабабли унга нисбатан “бадий” аниқловчисини қўшиб ишлатамиз. Бевосита мана шу хусусияти туфайли санъат асари, улардаги бадий образлар инсон ҳис-туйғуларини тарбиялайди, унинг ақл-идрокини такомиллаштиради. Демак, санъатдаги образ ва образлиликнинг асосини ижодкорнинг воқеликни ҳиссий-ақлий идрок этиши, қайта ижодий гавдалантириши ташкил этади”<sup>43</sup>. Инсондаги муайян ҳис-туйғуни, ҳолат ва ҳаракатни, ўй ва кечинмани ўзгалар қалбига, шуурига таъсир этадиган даражада ифодалашда сўзнинг ўрни беқиёсдир. Сўзлардан қай даражада фойдаланиб бадий образ яратиш ёзувчининг маҳоратига боғлиқ.

“Бадий образ борлиқнинг (ундаги нарса, ҳодиса ва ҳ.к) бадий асардаги акси... Бадий образнинг хусусиятлари ҳақида сўз кетганда, биринчи галда, унинг индивидуаллаштирилган умумлашма сифатида намоён бўлиши хусусида тўхталиш зарур. Маълумки, воқеликдаги ҳар бир нарса-ҳодисада турга хос умумий хусусиятлар билан бирга унинг ўзигагина хос хусусиятлар мужассамдир”<sup>44</sup>, – деб ёзади таниқли адабиётшунос Д.Қуроноф. Бадий асарда ифодаланган бадий образ умумлашма натижасигина бўлмай, айни чоғда, конкретлаштириш, индивидуаллаштириш маҳсули ҳамдир. “Шу маънода конкретлилик – бадий образнинг специфик хусусиятларидан бири саналади”<sup>45</sup>. Чунки ёзувчи бадий образда индивидуал хусусиятларни намоён қилиши орқали уни конкретлаштиради, образга

---

<sup>43</sup> Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т.: Фан, 2004. – Б. 5.

<sup>44</sup> Қуроноф Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Абдулла Қодирий, 2004, – Б 63-64.

<sup>45</sup> Ўша манба. – Б. 64.

жонлилик, ҳаққонийлик, табиийлик бахш этади. Ўқувчи ҳиссиётига таъсир қилади, уни ишонтиради. Адибнинг “Шабада” ҳикоясидаги Комрон образи ўзида катта бадий умумлашмани ташийди, яъни глобаллашаётган замонда маънавий инқирозга учраётган инсонлар қиёфасини гавдалантиради ва шу билан бирга ўқувчи кўз ўнгиде алоҳида бир шахс сифатида намоён бўлади. Ёзувчи умумлашмага индивидуал хусусиятларни бўрттириш орқали эришади. Масалан, муаллиф Комрон нутқида: “ар-р... арш дедими – Комрон ичида кулиб кўйди – коинотнинг чанг тўзони чиқиб кетармишми-ей! Буёғидан уёғи яқинлашиб тўшакка қадалиб ётган... бобой-момойлар ўйлаб топган сафсаталар...”<sup>46</sup>, “Дунё жуда кенг, одамлар ҳам, орзу-ҳаваслар ҳам хилма-хил. Сиз жон куйдириб айтаётган насиҳатларингизни ҳозир дунёнинг ҳеч ерида ота-оналар фарзандларига айтишмайди”<sup>47</sup>, “онам билан қони бир одамда, икки дунёда ҳам тушунмайди”<sup>48</sup> каби гаплари, фикрлари орқали индивидуал белгиларни ифодалайди. Айни шу ўзига хос белгиларнинг ифодаланиши ҳисобига образ бадий умумлашмалikka эришган. Ҳикояда адиб бутун дунё жамиятидаги иллатларни, глобаллашувнинг инсон онгу тафаккурига таъсири, оиладек муқаддас неъматларга бефарқлик, эътиқодсизлик, маънавий қашшоқлик натижасида келиб чиқадиган оқибатлар ҳақида қайғуради.

Адиб насрининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири бу тасвирда воқеаларнинг, образларнинг маълум бир томонини сир сақлашдир. Образларнинг турфа олами, қахрамон психологиясида рўй бераётган маълум ўзгаришлар воқеалар ривожи давомида ретроспектив сюжет асосида китобхонга етказиб берилади. “Беозор кушнинг фарёди”, “Шабада”,

---

<sup>46</sup> Дўстмуҳаммад Х. Қичкирик. – Т.: Шарқ, 2014. – Б. 27.

<sup>47</sup> Ўша манба. – Б. 28.

<sup>48</sup> Ўша манба. – Б. 18.

“Жоди” ҳикоялари ва “Катта кўча”, “Куза...” қиссалари ана шундай сюжет асосига қурилган асарлар саналади.

Бадий тарзда бажарилган вазифалар жуда кўп ва муҳимдир Улар эстетика, билим, таълим, коммуникатив ва бошқа имкониятларни ўз ичига олади. Поэтиканинг ажралмас қисми бўлган бадий асар ўз мақсадини образлар воситасида акс эттиради. Образ ва унинг турлари, образ яратиш усуллари, образ хусусиятлари ҳақида ўзбек адабиётшунослигида бир неча назарий олимлар қимматли фикрларини айтиб ўтганлар. Жумладан, Д.Қурононов образни қуйидагича тасниф қилади. “... ижодкор эстетик идеали билан муносабатига кўра ижобий ва салбий образлар; ижодий методига кўра: реалистик, романтик, сюрреалистик; яратиш усулига кўра фантастик, гротеск, характер хусусияти ва эстетик белгисига кўра трагик, сатирик, юмористик образлар фарқланади. Кўпинча образнинг предметли томони – тасвир планидан келиб чиқиб инсон, жониворлар, табиат, нарса-буюмлар образи тарзидаги амаллар ҳам ишлатилади. Шунингдек, мураккаблик даражасига кўра бадий образни элементар образ, детал-образ, пейзаж, инсон образи, образли гипертизм тарзида ёки кўламлилиқ жиҳатидан даражалаган ҳолда мегаобраз, макрообраз, микрообраз тарзида учта турга ажратиш ҳам эътиборга молик... Образнинг предметлилиқ даражаси деганда ўша образ тасвирлаётган нарсанинг кўлами назарда тутилади. Бу жиҳатдан бадий реаллик тўртта сатҳдан таркиб топади: 1) детал образлар; 2) воқеа-ҳодисалар образи; 3) характер ва шароит; 4) дунё ва тақдир образи (бадий реаллик)”<sup>49</sup>.

Образ моҳиятига кўра ҳаракатдаги воқелиқдан иборат. Реал борлиқдаги, инсон характери, руҳиятидаги турли-туман ўзгаришлар ва кечинмаларни ижодкор ўз онги, дунёқараши,

---

<sup>49</sup> Қурононов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: Академнашр, 2018. – Б. 109-110.

эстетик идеали, гоъвий мақсади орқали синтез қилиш оқибатида бадий образ шаклланади. Шу сабабли ижодкор яратган ҳар бир янги образ янги бир кашфиётдир. Бундай образлар инсон маънавий дунёсини бойитади, тафаккур доирасини кенгайтиради, руҳиятини кирлардан тозалайди. Бундай образни яратиш учун, биринчидан, воқелик материалида объектив асос, соддароқ қилиб айтганда, хамиртуриш керак. Иккинчидан, танланган ҳаётӣ материални қандай тасвирлаш ёки ифодалаш ижодкорнинг хоҳиш ва мақсади, иқтидори ва маҳоратига боғлиқ ҳолда кечади.

Бадий образ табиатининг муҳим жиҳатларидан бири унинг метафориклигидир. Адабиётшунос Б.Саримсоқов бу ҳақида шундай ёзади: “Бадий кўчимлар ичида метафора (истиора) жуда катта ўрин эгаллайди... Сўзнинг истиоравий кўчимига асосланган бадий тасвир ва ифодаси ўта даражада фавқулоддалик касб этади. Натижада, вужудга келган образнинг таъсирчанлиги юксак бўлади”<sup>50</sup>. Яна бир таниқли адабиётшунос Д.Қуронон эса: “метафориклик” деганда бадий образнинг бир нарса моҳиятини бошқа бир нарса орқали очишга интилиши, санъатга хос фикрлаш йўсини тушунилади”<sup>51</sup>, – деб таъриф беради. Ёзувчи воқеликдаги нарса-ҳодисанинг ҳаммага кўриниб турган ташқи ўхшашлигига эмас, балки одамлар назаридан яширин ички ўхшашлигига таянган ҳолда фикрлайди. Масалан, Чўлпон гўзал образи ва инсон эрки-озодлиги, Абдулла Қаҳҳор халқни алдаётган Амин, пристав образлари билан ўғрилар, Абдулла Орипов тилла балиқча билан ўз қобиғига ўралиб яшаётган одамлар, Саид Аҳмад онгсиз йиртқич ҳайвон бўри

---

<sup>50</sup> Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Т.: Фан, 2004. – Б. 43.

<sup>51</sup> Қуронон Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Абдулла Қодирий, 2004 – Б. 66.

билан ўз юртидан, элидан, иймон-эътиқодидан мосуво бўлган Бўривой образи ўртасида ўхшашликлар топади. Ўз навбатида Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам “Жажман” ҳикоясида бозорга кириб, мослашиб ҳамма озуқани еб битираётган тўртоёқли галати махлуқ билан инсоннинг битмас-туганмас орзу-ҳаваслари, нафси, “Сўроқ” қиссасидаги “учар ликопча”да келган ўзга сайёраликлар билан инсонни сўроқ қилувчи виждон ўртасидаги ўхшашликни топиши — метафорик фикрлаш натижасидир. Бундан келиб чиқадики, образни метафорик, яъни мазмунни яширин асосида тасвирлаш китобхонни асарнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш учун бир оз ақлини чархлашига, асар ҳақида мантиқий фикрлашга ундайди. Адабиётшунос Б.Саримсоқов метафораларни яратилиш тарзига кўра иккига ажратади. “1.Анъанавий метафоралар. 2.Индивидуал метафоралар.

Анъанавий метафоралар аллақачонлар яратилиб, тил мулкига айланган ва ижодкорлар уларга тез-тез мурожаат қилиб турадилар... Индивидуал метафоралар эса у ёки бу ижодкор томонидан илк бор яратилиб, унинг кўчма маъноси ҳам кўпчиликка у қадар маълум бўлмайди”<sup>52</sup>. Демак, индивидуал метафораларда ижодкорнинг тафаккури, воқеликка бўлган муносабати, ҳислари, эстетик идеали мужассамлашган бўлади. Шунингдек, муайян бадий асар гоёсини, мазмунини баҳолаш ана шу индивидуал метафорик образлар моҳиятини, уларда жамланган ҳиссий қувватни тўғри англаш орқали амалга ошади. Адиб Хуршид Дўстмуҳаммад ижодида индивидуал метафорик образларни учратиш мумкин. Муаллифнинг “Жажман” ҳикоясида жажман, “Қоялардан баландда” асарида бургут, “Саф” ҳикоясида узун саф, қатор, “Қичқирик”да сув, “Шабада” ҳикоясидаги олов, “Паноҳ” қиссасида она ўрик дарахти,

---

<sup>52</sup> Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. — Т.: Фан, 2004. — Б. 49.

“Катта кўча”да оромкурси образлари фикримизнинг далилидир. Индивидуал метафоралар ижодкор тасаввури, хаёли, эстетик баҳоси, тафаккур доираси, дунёқараши билан алоқадорликда ўзга маънога кўчирилган сўз эмас, балки маълум жиҳатлардан кўчма маъно касб этган метафорик образлардир. Асарнинг бадиийлигини таъминлашда анъанавий метафоралари билан бир қаторда индивидуал тарзда яратилган метафоралар ҳам фаол иштирок этади. Индивидуал метафоралар кўчим даражаси, ҳиссий чуқурлиги, фавқулодда образлилиги, бетакрорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Истиоранинг бу тури ижодкор учун юксак фалсафий-эстетик хулосалар қилишга кўплаб имкон беради.

Хуршид Дўстмухаммад ижодининг дастлабки босқичдаги асарларида, хусусан, “Саф”, “Этакдаги уй”, “Васий”, “Маҳзуна”, “Жажман”, “Қазо бўлган намоз”, “Беозор кушнинг фарёди” ҳикояларида миллийлик, миллий қадриятлар, урф-одатларнинг улуғланиши, соф ўзбекона руҳнинг етакчилик қилганлиги кузатилса, кейинги боқичдаги асарларида, жумладан, “Шабада”, “Жим ўтирган одам”, “Мухтарам, жаллод жаноблари” ҳикоялари, “Куза...”, “Катта кўча”, “Ҳижроним – мингдир менинг”, “Мен – сенси, сен – менсиз”, “Ёлғиз” қиссаларида инсон, унинг туйғулари, орзулари, хаёллари, фикрлари, тафаккури, боринги, инсоннинг ўзи бош қадрият даражасига кўтарилди. Бу типдаги асарларида адиб инсон туйғуларининг кузатувчиси, кўнгил тебранишларини, кайфият ва унинг натижасида келиб чиқувчи фикрларни текширувчи, руҳият қатламларини тадқиқ этувчи, бир сўз билан айтганда, инсонни мураккаб ракурсларда тасвирловчи ижодкорга айланди.

Адабиётшуносликда насрий асарлар бадииятининг муҳим жиҳатларидан яна бири бу тасвирдир. Бунда пейзаж, бадиий асар тили, психологик тасвир, қаҳрамон психологиясини очиб бериш воситалари, ёзувчи услуби, маҳорати бир-бирига уйғун ҳолда ўрганилади. Яъни ижодкорнинг

ҳаётни қандай англаши, англаган ҳамда ҳис қилганларини қай усулда тасвирлаб бериш маҳорати муҳим саналади. “Бадий тасвир асар поэтикасининг таркибий қисми бўлиб, у қаҳрамонларни таъриф-тавсифлашда, ички дунёсини таҳлил этиш ва ташқи қиёфасини чизишда, табиат манзараларини ифодалашда, воқеликнинг маълум бир қиррасини очишда ёрдамлашадиган эпизодларни баён қилишда, уни умумий сюжет чизиғи занжирига улай олишда, персонажлар тасаввурини тиклашда намоён бўлади”<sup>53</sup>,— деб ёзади К.Ҳамраев.

Бадий адабиётдаги табиат тасвири пейзаж деб юритилади. У адабий асарда муайян гоаявий-композицион вазифани бажаради. Пейзаж муаммосини махсус монографик йўсинда ишлаган М.Султонова мазкур воситанинг бадий асардаги ўрни масаласи ҳақида шундай дейди: “Ёзувчи ўз гоаявий ниятини фақат қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати орқали эмас, балки уларни ўраб турган табиат манзараларини тасвирлаш орқали амалга оширади. Пейзаж тасвири орқали ўқувчига таъсир этишни, ундаги гўзаллик туйғуларини тарбиялашни ҳам назарда тутди”<sup>54</sup>. Демак, адабиётшунос пейзаж тасвирининг қаҳрамон хатти-ҳаракатлари билан уйғун келишидан ташқари, китобхон қалбига таъсир ўтказувчи маърифий ва эстетик вазифасини ҳам уқтириб ўтади. “Табиат манзараси тасвиридан турли хилдаги мақсад кузатилади. У гоҳ воқеа содир бўлган фаслни билдиради, гоҳ қаҳрамонлар кайфиятини очишга ёрдам беради, гоҳ асар воқеаларини бир-бири билан боғлаш вазифасини ўтайди”<sup>55</sup>.

Адабиётшунос олим М.Қўшжонов “Ўткан кунлар” романидаги пейзаж тасвирига Отабек ота-она орзусига бўйин эгиб, истар-истамай рози бўлиб Марғилонга кетиб бориш

---

<sup>53</sup> Ҳамроев К. Ҳикоя композицияси. – Т.: Nurafshon-business, 2020. – Б. 47.

<sup>54</sup> Султонова М. Пейзаж санъати. – Т.: Фан, 1983. – Б. 9.

<sup>55</sup> Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Шарк, 2008 – Б. 99.

эпизоди муносабати билан мурожаат қилган. Олимнинг фикрича, Отабек Марғилонга жўнаркан, унинг маъюслиги, гамгинлигини қирларда баҳорнинг қувноқлигига, кенг осмон сахнида эркин учиб юрган қушларга қарши кўяди. Яъни, Абдулла Қодирий Отабек кайфиятини, руҳий ҳолатини ифодалашда баҳор фасли манзарасини қаҳрамон руҳиятига контраст ҳолатда тасвирлайди<sup>56</sup>.

Абдулла Қаҳҳор эса “Сароб” романининг 8-боби пейзаждан, яъни қишнинг аста-секин баҳорга ўз ўрнини бериши, табиатнинг гўзалликларини тасвирлашдан бошланади. Бу пейзаж икки ёшнинг – Мунисхон ва Саидий муҳаббатларининг таърифи билан ҳамоҳанг тарзда ифодаланган. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг эса адабиётшунос сифатида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги Хўжа Маоз қабристон манзараси ва қаҳрамон руҳиятининг тасвирига айрича муносабат билдиради. “Қоронғулик манба бўлган мазористон чангалзорини Марғилон кўчаларида телбаларча югураётган Отабекнинг дарди дунёси деб тасаввур қилайлик. Шу дамда Отабекнинг шуурида кучли бир ел турди, “сочлари ўсиб соқолига кўшилиб кетган бир девона” тимсолидаги ёвуз кучлар Отабек шуурини худди гулхан янглиғ кавлаб тўзителиб юборди; “битта –яримта тўкилмай қолган япроқлар шитир-шитир тўкилишка олдилар” – Отабекнинг сўнгги умидлари узила бошлади; “ел кучайгандан кучайиб борар” – ғаразгўйлар таҳдиди авжга минди; Отабекнинг метин бардоши устма-уст босиб келган ел бўкиригига дош беролмаслик хавфи туғилди – “шоҳ-шаббалар қарс-курс синар”ди;”<sup>57</sup>. Мунаққид Отабек руҳиятидаги тушкунликни, қалбидаги оғриқларни қоронғулик, зимистон тун ва қаттиқ шамол, бўрон

---

<sup>56</sup>Қўшжонов М. Сайланма. – Т.: Шарқ 1982. – Б. 59.

<sup>57</sup>Дўстмуҳаммад Х. “Хўжа Маъоз” тасвири – “Ўткан кунлар” кўльминацияси // Ёлғиз. – Т.: Машхур-пресс, 2019. – Б. 164

натижасида “қар-курс” қилиб синаётган шохларга қиёслайди. Кумушдан умидини узган Отабек руҳиятининг энг огир, мусибатли онлари қабристон тасвири билан параллел қўяди.

Шунингдек, Хуршид Дўстмуҳаммад насрида табиат ва жой тасвири қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари билан узвий равишда боғлиқлиги ҳамда бадий-фалсафий маъно касб этиши билан алоҳида ажралиб туради. “Ўктябр яримламай қишнинг нафаси изғиб қолди. Нонушта пайти йилт этиб борлиқни ёритган қуёш зимда ғойиб бўлди-қўйди. Пешин эди, кўноққа қайтаётиб бирпас ҳавонинг авзойини кузатиб турди. Осмонни паққос қалин қора булут қоплай бошлаган, ҳавонинг авзойида пиликнинг учича ёруғлик белгиси сезилмас, балки ўзидаги тундлик сиёҳи била дов-дарахт, атроф-жовониб, одамларни-да бош-оёқ бўяшқа бошлаганди”<sup>58</sup>. Ушбу парча носирнинг “Умид гули” ҳикоясидан олинган бўлиб, пейзаж тасвири профессор Фитратнинг Москвада мусофирчиликда кечирган ҳаёти, тушкун кайфияти билан ҳамоҳанг тарзда берилган. Қаҳрамон қалбидаги дард, миллат тақдири бошига тушиши мумкин бўлган фалокатларни гўё осмон олдиндан сезгандек уни қора булут қоплаши, кундуз бўлишига қарамасдан атрофни қора тундлик ўраб олиши, бу тундлик нафақат табиатни, балки одамлар қалбини-да эгаллаб олаётганлиги тарзида тасвирларнинг берилиши китобхон руҳиятини бадий асар оламига, унинг пафосига олиб киришга хизмат қилган. Ҳикояда пейзаж шунчаки табиат тасвири бўлибгина қолмасдан, балки замон ва маконда рўй бераётган воқеаларга адабий-фалсафий руҳ бағишлаб, келажакда ўзбек халқининг бошига тушиши мумкин бўлган фалокатларга, нохушликларга ишора қилинган.

Бадий тасвирнинг ажралмас қисмларидан яна бири бу психологик тасвирдир. Психологик тасвир ўз навбатида

<sup>58</sup> Дўстмуҳаммад Х. Ҳикоя. – Т.: Янги аср авлоди, 2021. – Б. 83.

психологизмнинг бир бўлагидир. Ўзбек адабиётшунослигида психологизм муаммоси А.Алимухамедовнинг Абдулла Қаҳҳор ҳикояларини психологик метод асосида таҳлил қилиб ёзган мақоласидан бошланади<sup>59</sup>. Ушбу мавзуга оид тадқиқотлар эса 60-йиллардан бошланади. Дастлаб юзага келган тадқиқотларда психологизм алоҳида мавзу сифатида ўрганилмаган. Балки у ёки бу асарда яратилган характерларнинг психологик жиҳатдан ишончлилиги, табиийлиги ёритилган, холос<sup>60</sup>. Психологизм муаммоси 70-йилларга келиб махсус тадқиқот объектига айланган. Н.Шодиевнинг “Абдулла Қаҳҳорнинг психологик маҳорати” (“Сароб”, “Синчалак” асарлари мисолида), М.Абдурахмонованинг “Абдулла Қодирий ижодида психологик таҳлил маҳорати” номли диссертациялари юзага келди ва шу тадқиқотларнинг маъно-мазмунини ифодаловчи бир неча мақола, рисолалар эълон қилинди. Б.Саримсоқовнинг “Достонларда психологик тасвирнинг характери ҳақида баъзи мулоҳазалар”<sup>61</sup> номли китоби ёзилди. Булар бевосита характерлар руҳий дунёсини очиш маҳорати, ёзувчининг услуби масалаларига бағишланган дастлабки тадқиқотлар бўлиб, Н.Шодиевнинг илмий ишида Абдулла Қаҳҳорнинг икки насрий асаридаги психологик воситалар – ички монолог, нутқий характеристика, психологик портрет, галлюцинация, туш ва психологик тимсоллар таҳлил этилган. Шу воситалар таҳлили орқали адибнинг психологик таҳлил маҳорати сир-лари текширилади. М.Абдурахмонованинг диссертациясида эса ўзбек романларида психологизмнинг асосчиси Абдулла

---

<sup>59</sup>Алимухамедов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир // Шарқ юлдузи. 1947. №2. – Б. 115-137.

<sup>60</sup>Қўшжонов М. Ҳаёт ва нафосат. – Т.: Фафур Фулом, 1962. Қўшжонов М., Норматов У. Маҳорат сирлари. – Т.:1968. Қўшжонов М. Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати. Тошкент, Фафур Фулом, 1966.

<sup>61</sup> Саримсоқов Б. Достонларда психологик тасвирнинг характери ҳақида баъзи мулоҳазалар. – Т.: Фан, 1976.

Қодирий ижоди ва унинг психологик тасвир усуллари тадқиқ этилган.

80-йилларга келиб эса Х.Умурувнинг “Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги” номли монографияси эълон қилинди. Ушбу китобда психологизм, психологик таҳлил принциплари, характерлар психологиясини тасвирлаш усуллари, воситалари, ёзувчи маҳорати ҳақида кенгроқ фикр юритилган<sup>62</sup>. 90-йилларда адабиётшунос Д.Қуроноунинг “Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида характерлар психологизми” номли номзодлик диссертациясида қахрамонлар руҳияти давр билан боғлиқликда ёритиб берилган<sup>63</sup>. 2000-йилларга келиб Ш.Исаеванинг “Ўзбек тарихий романларида характерлар руҳиятини тасвирлаш усуллари” номли номзодлик диссертациясида руҳият тасвирининг шаклларига эътибор қаратилди<sup>64</sup>. Бундан ташқари, адабиётшунос А.Холмуродовнинг “Қиссада бадий образ яратиш” номли монографиясининг бир фасли “Қиссада психологизм” деб аталган. Унда психологизм сифатида инсон ва табиат ўртасидаги муносабат, пейзаж тасвири ўрганилган<sup>65</sup>. М.Бобохоновнинг “Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм” номли диссертация ишида муаммога миллий истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан ёндашилган ҳамда психологизм муаммосининг ўзбек қиссачилигида тутган ўрни қиёсий-типологик, руҳий таҳлил методларидан қоришиқ фойдаланиш асосида ўрганилган. Ишимизда юқорида номи келтирилган адабиётшунос олимларнинг

---

<sup>62</sup> Умуров Х. Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. – Т.: Фан, 1983.

<sup>63</sup> Қуронов Д. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романида характерлар психологизми. Филол.фан номз... дисс. – Т. 1992.

<sup>64</sup> Исаева Ш. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари. Филол.фан. номз. ...дисс. – Т. 2001.

<sup>65</sup> Холмуродов А. Қиссада бадий образ яратиш маҳорати. – Т.: Фан, 2006.

тадқиқотларидан илмий-назарий жиҳатларига мурожаат қилиниб, Хуршид Дўстмуҳаммад насрини бадиий таҳлил қилишда, қиёслаб-чоғиштириб ўрганишда фойдаланилди.

Ҳозирги давр ўзбек адабиётшунослиги ва танқидида психологизм янги одамни тасвирлаш, характерлар дунёсининг ўзига хослиги, глобаллашув жараёнида инсон руҳий дунёсини англаш ва тасвирлаш нуқтаи назаридан ўрганилмоқда. Ўзбек насрида янгича тамойиллар намоён бўлиб, бу тамойиллар мавжуд миллий-адабий анъаналар билан жаҳон адабиётидаги илғор тажриба усулларнинг ўзаро синтези сифатида намоён бўлаётир. Уларда инсоннинг ўзи ҳам англаб етмаган мураккаб туйғулари, ҳаётга муносабати, зоҳирий ва ботиний оламини, руҳиятни холис ва таъсирчан ифодалаш, фалсафий-психологик талқин ва мажозий образлилик устувор бўлмоқда. Адабий-эстетик тафаккурдаги ўзгаришлар асарларнинг ғоявий мазмуни ва мавзу қамровини кенгайтириш баробарида адибларнинг индивидуал услуби, тасвир ва ифодадаги бетакрорлиги ва талқин оҳанглари рангбаранглигини юзага келтирмоқда. Бу эса инсон руҳияти ва маънавий оламини турли ракурсларда таъсирчан ва ишонарли таҳлил этишга имкон берувчи турфа услубий-шаклий йўналишларнинг кенгайишига имкон яратди. XXI аср ўзбек насридаги эврилишларда жанр ва услуб муносабати салмоқли ўрин тутди. Унда анъанавий ва замонавий услуб, публицистик талқин, психологик таҳлил, ижодий ўзига хослик каби тамойилларни кузатиш асосида алоҳида шахснинг руҳий оламини тафтиш этиш кенгаймоқда.

Мустақиллик шарофати туфайли ижод эркинлиги, сўз эркинлигига эришилди, янгича бадиий тафаккур қамровининг кенгайиши, ўзгача адабий-услубий тамойилларнинг қарор топишига имкон яратди. Шулардан бири ўзбек насрида пайдо бўлган модернизм йўналишидир. Академик Б.Назаров Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқулларнинг модернизм

йўналишдаги асарлари хусусида шундай ёзади: “Сўнгги босқич ўзбек адабиётидаги бу йўналишлар муайян янгиланиш намуналаридир. Улар жаҳон адабиётида содир бўлган ва бўлаётган янгиликларга ҳамоҳангдир”<sup>66</sup>. Янгиланётган реализм услубда ижод қилаётган Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Куза...” ва “Ёлғиз” қиссаларида шахс ва жамият муносабати, хусусан, инсон табиатининг мураккаб қирралари, тафаккуридаги янгиланишлар акс эттирилган. Даврнинг қаҳрамонини яратиш орқали қаҳрамоннинг даврга бўлган муносабати ёритилади. Зеро, “Ёлғиз” қиссасида қаҳрамон талқинида ўзлик, инсон шаъни, юрт қайғуси, маънавий комиллик йўлидаги фидойи инсон тимсоли етакчилик қилса, “Куза...” қиссасида инсоннинг ҳаётни англаши, яшаш тарзи янгича талқинида ўз аксини топган. Хусусан, Устоз ҳаётни маърифат орқали англаб, инсонлар бир-бирининг нигоҳи, кузатувлари таъқибидан қочиб кутулса ҳам, доимо у Яратганнинг кузатувида эканлигига ишора қилади.

Шу билан биргаликда глобаллашувнинг ёшлар онига таъсири ҳақида қайғуради. Мавжуд анъанаю қадриятларни, урф-одатларни одамгарчиликни бемаънилиқ, вақтни беҳудага сарфлаш деб билган, ўз мақсади, орзуларини ҳамма нарсадан устун қўядиган, жамият ва одамлардан бегоналашган шахс тақдири ёритиб берилган. 2010 йил қиссалари ҳақида фикр билдирган адабиётшунос олим А.Улуғов шундай ёзади: “Адабиётда, ҳар қандай жанрнинг мавқеи, мақоми унда инсон образининг гавдалантирилиши билан белгиланади. Ўтган даврда қиссаларда инсон ҳақида, унинг мураккаб маънавий олами, қалбидаги турфа хил ўзгаришлар тўғрисида янгича қарашлар ўз ифодасини топди ва улар

---

<sup>66</sup> Назаров Б. Адабий таъсир ва типологик яқинликни ўрганишнинг айрим методологик масалаларига доир. Ўзбек адабиёти, таъсир ва типология. – Тошкент: Мухаррир, 2013. – Б. 15.

бадий салмоқдор асар сифатида эътибор қозонди. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Куза...”, “Мен – сенсиз, сен – менсиз”, Носиржон Жўраевнинг “Ноябрь куйи”, Абдунаби Абдиевнинг “Муаллақ одам”ида воқеликка ва инсон дунёсига ўзига хос ёндашилгани, унинг қалбини тафтиш, таҳлил этиш диққат марказига қўйилгани қиссачиликда янгича интилиш жараёни давом этаётганидан далолат беради”<sup>67</sup>.

“Ёлғиз” қиссасида бош қаҳрамон Абдулла Қодирийнинг ватанпарвар шахс сифатидаги дардлари, миллат, халқ келажаги учун қайғуси, одамлар онгига таъсири, уларнинг яшаш тарзини яхшилаш учун қилган ҳаракатлари, фикрлари мустабид даврнинг адолатсизликларига қарама-қарши ўлароқ тасвирланади. Даврнинг Қодирий руҳиятига таъсири, қаҳрамон туйғулари, фикрлари ўзбек жадидининг маънавий-руҳий оламини муфассал баён қилишда ёрдам берган.

Асарда ички нутқнинг диалогик шакли, ички монолог қаҳрамон руҳиятининг мураккаблиklarини очиб беришда алоҳида ўрин эгаллайди. Адабиётшунос Н.Шодиев ички монологнинг бир неча турларини фарқлайди: “Монолог-хотирада қаҳрамон ўз ўтмишини, бошидан кечирган ва бошқа психик ҳодисаларни эсласа, монолог-муҳокамада ёзувчи персонажнинг муҳим ва зарур масалалар бўйича фикрларини умумлаштириб беради, монолог-мулоҳазада қаҳрамоннинг индивидуал, психологик хусусиятлари акс этса, монолог-орзуда персонажнинг интилишлари ва орзу-ҳаваслари ифодаланган бўлади”<sup>68</sup>. Адабиётшунос Д.Қуронов эса монолог, яъни ички нутқ ҳақида шундай ёзади: “...бадий адабиётда “ички нутқ”нинг диалогик шаклидан ҳам фойдаланилади. Одатда, бу ҳолда персонажнинг хаёлан ким

---

<sup>67</sup> Улугов А. Қиссаларда қалб акси (2010 йил қиссаларини ўқиб) // Шарк юлдузи. 2011. №4. – Б.137

<sup>68</sup> Шодиев Н. Руҳият рассоми. – Т.: Фан, 1977. – Б. 14 - 15.

биландир баҳс-мунозарасини ё руҳиятидаги иккига ажралиш – ўз-ўзи билан курашини тасвирлаш орқали ҳолат драматиклаштирилади”<sup>69</sup>. Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам Абдулла Қодирий руҳиятини очишда ички нутқнинг диалогик шаклидан бир неча ўринларда фойдаланган. Қодирий образи ички нутқида, мулоҳазаларида кўпроқ ўз асари қаҳрамони Юсуфбек хожи билан суҳбат куради. Ўйлаганларини унга айтади, у билан дардларини баҳам кўради, унинг ақлу заковатига ишонади.. Айниқса, қамалган даврида ўй-хаёлларида кўпроқ Юсуфбек хожи билан суҳбат куради, баъзида кўз ўнгида Отабек қиёфаси гавдаланади. Шундай пайтларда узоқлардан кулоғига мунгли азон товуши эшитиларди. Азон бу ўринда Қодирий қалбидаги нажот, ҳаловат вазифасини ўтаган.

Бундан ташқари, ёзувчи асарларида қаҳрамонлар руҳияти, шунингдек, ёзувчи психологияси муайян бир рамзий образлар воситасида ҳам ёритиб берилган. Адибнинг ўзи адабиётшунос сифатида мустақиллик даврида яратилган асарларни таҳлил қила туриб шундай ёзади: “Бадий тафаккур бисотидаги тасвир аслаҳалари орасида янги-янгилари пайдо бўлди, улар ёрдамида инсонни турлича тадқиқ этиш имкониятлари орта борди. Ўрни келганда, муаллиф китобхон экан-у, унга кўшиб дунёни, бу кўҳна дунё ҳою-ҳавасларидан тортиб унинг битмас-туганмас машмашаларидан-да инсон қалбида кечадиган инжа туйғуларни кадрлироқ, мазмунлироқ деб билди”<sup>70</sup>. Бундай янгича услублардан фойдаланиш, инсоннинг инжа туйғуларини тасвирлаш Хуршид Дўстмуҳаммад яратган ҳикоя ва қиссаларида ҳам бўй кўрсатади.

---

<sup>69</sup> Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: Навоий университети, 2018. – Б.251.

<sup>70</sup> Дўстмуҳаммад Х. Ҳикоянинг такомил йўли // Сарчашма мавжлари. – Т.: Машхур-пресс, 2016. – Б.177.

Хуршид Дўстмуҳаммад ижодини тадқиқ қилишда бошқа замондош ижодкорлар асарлари билан қиёслаб ўрганиш ҳам яхши самаралар беради. Янгича услубларни, тасвирнинг бошқаларга ўхшамайдиган ўзига хослиги замондош ижодкорлар: Улуғбек Ҳамдам, Назар Эшонқул, Исажон Султон асарларида ҳам кўринади. Улуғбек Ҳамдамнинг “Ватан ҳақида кўшиқ” ҳикояси билан Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Қазо бўлган намоз” ҳикояларида ватанпарварлик гоёлари, эл учун, юрт учун курашган ва бу йўлда мардонавор ҳалок бўлган сиймолар образи мужассамдир. “Қазо бўлган намоз” ҳикоясида халқининг озод ва фаровон яшаши учун борбудини, жонини берган Миркомилбой ва “Ватан ҳақида кўшиқ” ҳикоясида ҳаётдан, ширин жонидан кечиб халқ юрагида олов ёққан, душманни ҳайратда қолдирган жангчи йигит образлари табиий ва таъсирли ифодалаб берилган. Миркомилбой ва жангчи йигит психологияси, жасорати уларнинг нутқлари, хатти-ҳаракатлари орқали яна-да ёрқинроқ тасвирлаб берилган. Жангчи йигит ҳукмдорга қарата шундай дейди: “– Мен жонимни таклиф қилиб келдим, ҳукмдорим!!! Ахир, Ватан кўлдан кетар экан жонни нима қиламан?!”<sup>71</sup> Бундай асарларни ўқиган ҳар бир инсон қалбида, юрагида ватанпарварлик туйғуларини ҳис қилади.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Қичқирик” ҳикоясида Султон сув оқимиға қарши сузса, Улуғбек Ҳамдамнинг “Пиллапоя” ҳикоясидаги йигит образи одамлар оқимиға қарши юриб пиллапоя зиналаридан юқорига кўтарилади. Султоннинг мақсади – сувда чўкиб кетган сариқ куйлакли келинчакни топиш. Йигитнинг мақсади пиллапоянинг энг юқорисига чиқиш ва у ерда манзилнинг охириға етиш. Ҳар икки ҳикоянинг қаҳрамонлари ўз мақсадлари сари оқимға қарши юриб мақсад-манзилға интилаётган образлар сифатида тасвирланади.

<sup>71</sup> Ҳамдам У. Ватан ҳақида кўшиқ. – Т.: Академнашр, 2019. – Б. 436

Бундан ташқари, ҳар икки ижодкор ҳикоялари ҳақида адабиётшунос М.Кўчқорова қуйидагича ёзади: “Жажман” мотиви Заратуштра ҳақидаги мифнинг трансформацияси бўлса, шу муаллифнинг “Ибн Муганний”, “Ўзим”, “Қичқирик”, У.Ҳамдамнинг “Лола”, “Пиллапоя”, “Бир пиёла сув” ҳикоялари кўп жиҳатдан юнон афсонаси “Сизиф ҳақидаги афсона”нинг қайта ишланган трансформациясидир”<sup>72</sup>. Бизнингча, “Қичқирик”да “Сизиф ҳақидаги афсона” таъсиридан кўра кўпроқ халқона мифологик қарашлар: “дарё қонсирабди”, “анҳор ҳар йили бир қонсирайди, қишлоқ аҳли унга бир жонлиқ сўйиб оқизишади” каби халқ онгидаги тасаввурлардан таъсирланишнинг натижаси сезилади.

Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида услубий ранг-баранглик, насрий асарлар поэтикаси муаммолари бадний тафаккурда кечаётган ўзгаришлар билан боғлиқликда ўрганилмоқда. Асарлардаги воқелик ва руҳият қамровининг кенгайиши, рамзийлик анъанавий ва модернистик усулида талқин қилинмоқда.

Юқоридаги мазкур қисқача қайдлар образ, характерларнинг умумназарий, умумфалсафий асослари, психологизм, психологик тасвир ҳақида тушунчага эга бўлишимиз учун асқотади. Шу билан бирга бевосита тадқиқотимиз мавзуси ҳисобланмиш насрдаги баднийат масалаларини ёритишда асос бўлади, деб ўйлаймиз.

---

<sup>72</sup> Кўчқорова М. Ҳозирги ўзбек насрида неомифологизм муаммоси // Изҳор. – Т.: Янги аср авлоди, 2021. – Б.166.